

«САРТ» СЎЗИ МАЪЛУМ БЎЛМАДИ

Мўътабар «Садойи Фаргона» жаридасининг 30-нўмерида «Сарт сўзи маълумдур» унвонлик бир маколани кўруб ўкумасдан аввал «сарт» сўзи хал килинди гумони-ла калбан бир даражада хурсанд бўлсак ҳам, лекин маколани тамоман ўкуб чиккандан сўнг хурматлу Мулло Абдуллобек жанобларининг килган ривоятлари мазмунидан «сарт масаласи»нинг яна бурунги мажхул холига колгонин англаб умидимиз бўшга чикди. Чунки А. афандининг сарт хакида ёзган сўз ва далиллари махз огизлардан эшитилган хакикати номаълум шайлардан иборат бўлуб, ҳеч бир асл ва асосга мабни эмасдур. Бизнинг фикр ва билганимизча, «сарт» сўзининг хакикати машхур ва инобатлик муаррих ва мусташриклар тарафидан кашф ва хал ўлинуб, хануз бир жойга қарор берилган йўқдур. Агарда «сарт» сўзи маълум бўлса эди, яъни Туркистондаги халкларнинг барчаси ёки муайян бир қисмининг «сарт» аталгони далоили тарихий ила исбот қилинган бўлса эди, ул суратда ҳеч қим «сарт» хусусида сўз очмас ва бахс чикормас эди. Мухтарам Махмудхўжа жанобларининг бул хусусда «Ойна»га хели ривоят ва қилу қолларни нақл этуб ҳам ўз фикрларини ёзганларига сабаб, шул «сарт» сўзининг мажхуллиги бўлса қерак.

Дуруст, ҳаёт ва мамот масаласи қадар муҳим бўлган неча масалалар кўзимиз олдиға тургон ҳолда аларни эҳмол этуб, фақат «сарт» сўзи ила шугуллануб, фурсатларни бўшға ўтқармоқлик ҳам яхши эмас. Лекин асримиздаги ёврупойилар қошида «миллият» масаласи «дин» масаласидан муҳим ва муқаддам тутилган бир замонда бизлар ҳам миллият масаласидан саналган «сарт» хакида гох-гоҳ бахс этишуб миллиятимизин хотирлаб тургонда зарар кўрмасмиз. Диний, миллий ва маиший масалалар хусусида (низом ва қонундан қикмаслик шарт-ла) ҳар доим бахс ва музоқара этишуб турмоқға ҳаққимиз бор. Шунинг учун қалон масала хусусида сўз очма! Ёки қалон лақабни муқлақо бўйнуниға тоқарсан, деб сабабсиз зўрлик этмоқға ҳеч қимнинг ҳаққи бўлмаса қерак.

Мақсадға қелайлуқ. Мулло А. афандининг «Сарт сўзи маълумдур» унвони остида: «Бир замонларда Туркистонда саҳройи қирғиз ва қазок...»,—деб нақл ва ривоят этган маълумотлари қайси таърих қитобидан ва ё қайси ишонқлик муаррих сўзидан олинганлигини била олмадуқ, агар бу ривоятлари махзи оғзақи ҳикоя ва сўзлар жумласидан иборат бўлса, бул тақдирда, мунинг ила «сарт» сўзи маълум бўлди, ёки «сарт» масаласи хал қилинди, деб ҳуқм этмоқ муқлақо дуруст эмасдур. Чунки муаррихлар мундай аслсиз сўзларни далил мақомиға қелтуруб, мушқул бир масала тарихияни қатъий суратда хал этмайдурлар. Балқи бир муносиб қелганда, қаринаи мақомға қараб, бир даъвонинг тақвияси учун қирқ этубғина ўтарлар. Асли номаълум

бир ривоят ила улуг масалаи тарихияни хал этмокликни эса тарих хакида жинойт санайдурлар.

Шундай коидаларни оз-моз билганимиздан Мулло Л. афандининг сарт масаласини хал этмок касди-ла ёзган аслсиз далиллари хайрат ва таажжубимизни мужаб бўлди. Чунончи, мушорун алайх сўзларин бир жойида «сарт»нинг асли «шарт» деб, оидан сўнгра деюр: «Мухтарам азизларга махфий колмасунки, хар ким бизни сарт деса, мунга хурсанд бўлуб, фахр килмокимиз даркордур. Чароки сарт дегани, масжидлик ва мадрасалик ва бозорлик ва озода уламони маданий, дегани бўлур». Холбуки бу маъно аввалги маънога бутун магойирдур. Чунки, аввалги маънога караганда, «сарт» лафзи «шарт»дан маъхуз эдики, бул суратда сартнинг маъноси иечук масжидлик ва фалонлик бўлсун?... Шерали Лапин жаноблариниинг «сарт»га «сариг...» деб берган маъноси на кадар номуносиб бўлса, юкорида берилган маъно хам шундай келишсиздур. Бизнинг баъзи асарларда кўрганимизча, «сарт»нинг маъноси карвонбоши ёки савдогар каби мазмунда эдики, бул хам бир мусташрикнинг сўзидур. Хулоса: «сарт» на маънода бўлса бўлсун, арбоби тарафидан хал килинмагунча они кабул этмасликка хаккимиз бор. Шунинг учун мажбурий суратда айтиб турармизки, «сарт» сўзи хануз мажхулдур. Юкоридаги мазмунда мухтасарча бир макола ёзуб, қачонлар «Садойи Фаргона» идорасига юборган эдук. Идора жаридага дарж этмокга танзил этмагани ёки муносиб кўрмагани учун бир оз тафсили ила «Ойна»га ёзмокга мажбур бўлдук.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 39-сон, 922—924-бетлар.